

ФОЛЬКЛОР ДИСКУРСИ ҲАҚИДА

*Абдувахабова Махина Азатовна,
ЎзДЖТУ доценти, PhD*

Фольклор тушунчасига изоҳ берар эканмиз, 1987 йилда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган Халқ оғзаки ижодини ўрганиш бўйича халқаро кўмита томонидан таклиф қилинган таърифга юзланамиз: “Фольклор-ижтимоий анъаналарга йўналтирилган жамоат ва шахсларнинг яратиш имконияти, яъни жамоанинг ўз маданий ва ижтимоий ўзига хослиги ҳисобланади. Фольклор матнларидаги маданий-ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар оғзаки равишда тақлид ёки бошқа усуллар (тил, адабиёт, мусиқа, рақс, ўйинлар, мифология, маросимлар, тикувчилик, меъморчилик) билан етказилади [1; 9].

Бугунги кунда тадқиқотларда “фольклор дискурси” тушунчаси тез-тез учраб туришига қарамай, унинг мукамал тавсифи муаммоси ҳали ҳал қилинмаган, фақатгина дискурснинг прагматик таҳлили билан боғлиқ бир қатор индивидуал кузатувлар амалга оширилган ҳолос. Бизнинг наздимизда фольклор дискурси ижтимоий-маданий вазият, тарихий шароитлар билан шартланган жамоавий нутқ фаолиятининг ўзига хос тури сифатида талқин қилинади. Ушбу нутқ фаолиятининг таркибий қисми- бу эстетик жиҳатдан қайта ишланган, жамоат эҳтиёжларини қондирадиган ва жамиятни барқарорлаштирадиган жамоавий билимларни акс эттирадиган анъанавий матндир. Фольклор дискурси махсус таълимот бўлиб, у инсон фаолиятининг турли соҳаларига хизмат қиладиган бир қатор коммуникатив вазиятларда амалга оширилади. Фольклор дискурсида коммуникантлар бир ижтимоий ҳамжамият вакили сифатида ҳаракат қилади, жамоавий таркибда бир қатор жинслар, мақомлар, касбий жиҳатдан аниқланган гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири коммуникатив вазиятда белгиланган ролни бажаради. Шуниси эътиборлики, фольклор дискурсида коммуникаторлар турли жанрларда турфа ролларни ижро этадилар, турли позицияларни эгаллайдилар, масалан, асосан маросим жанрларида бир социумга мансуб коммуникантлар ўзаро тенг бўлмаган фаол мавқени эгаллайди, афсун жанрида эса коммуникантларнинг мавқеи тенг бўлмайди, балки сакрал билимларга эга бўлган сеҳргар ғайритабиий кучлар ва адресат ўртасида воситачилик қилиш орқали фаол позицияни; адресат эса табиийки етарли билим ва малакага эга бўлмаслик оқибатида пассив мавқени эгаллайди [4; 386]. Ҳар қандай жамият вакиллари фольклорни онгли равишда миллий ғоянинг манбаи деб ҳисоблайди, уни сақлаб қолиш ва тарғиб қилиш керак бўлган маданий мероснинг таркибий қисми сифатида тушунади.

Фольклор дискурсининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотни турли хил усуллар орқали олиш мумкин: коммуникантлар билан суҳбатлар, матнни таҳлил қилиш, психолингвистик эксперимент. Барча ҳолатларда, аввало, коммуникантларнинг шахсиятига мурожаат қилинади. Коммуникантларнинг фольклорик шахсиятига хос бўлган нарса, аввало, қадриятларни жамоавий тарзда етказишдир. Анъанавий ва замонавий

фольклоршуносликда фольклор шахси матнларда ўзини “бошқалар учун”[3] сифатида намоён қилади, коллектив номидан гапиради ва жамоавий анъаналарга бўйсинишни таъминлайди.

Фольклор дискурси шахсий ва институционал нутқларнинг мураккаб аралашмаси бўлганлиги сабабли унинг иштирокчилари ҳам жамоавий ва шахсий вазифаларни бажарадилар.

Адресант (сўзловчи).

Фольклор дискурсидаги адресант – бу маълум бир жамиятга мансублигини амалда кўрсатувчи субъект. Фольклор дискурсидаги адресант мураккаб тузилишга эга: муаллиф-маърузачи (матннинг яратувчиси)-субъект. Ушбу триадада марказий ўринни сўзловчи эгаллайди. У фольклор дискурсида кўппланли бўлиб, у бир вақтнинг ўзида “репродуктор”, муаллиф ва интерпретатор ҳам бўлиши мумкин. Бир томондан, фольклор анъаналари матнларни кўпайтиришга эмас, балки уларни турли хил вариантларда бўлса ҳам сақлашга қаратилган, шунинг учун сўзловчи (маърузаси) кўпинча интерпретатор ёки ҳикоянавис, кўшиқчи- матн репродуктори бўлиб хизмат қилади.

Халқ оғзаки ижодидаги “сўзловчи- муаллиф” муносабатининг ўзига хос хусусияти аввало, фольклор дискурсида сўзловчи тўғридан-тўғри матннинг муаллифи бўла олмайди. С.Б.Адоньеванинг фикрича, “берилган нуққ ходидаси муаллифи актор бўлиб, у ҳақиқий нутқ акти орқали амалга ошириладиган ижтимоий ҳаракат учун жавобгардир” [2; 56]. Бизнинг фикримизча, жанрга қараб сўзловчи турлича масалан, жамоанинг ҳаммуаллифи сифатида фольклор “асари”нинг яратилишида иштирок этиши мумкин. Табиийки, анъанавий матнларда айтувчи нарраторлик мақомини мерос қилиб олади, ушбу мерос у туғилиб ўскунга қадар мавжуд эди, ушбу матнга ўзгартиришлар киритиш ҳамда алоҳида кирраларга урғу бериш конкрет коммуникатив жараёнларга боғлиқ. “Сўзловчи-субъект” (“муаллиф-айтувчи-субъект” триадасининг бир қисми сифатида) фольклорда ўзига хос хусусиятга эга, яъни субъект бу коллективдир, у тингловчи (китобхон) халқ. Шу билан бирга, матнни танлашда айтувчи нафақат коллектив билимларнинг етказувчиси сифатида фаолият кўрсатади, балки ўз муносабатини ҳам билдиради. Бунда нарраторнинг миқдорий хусусияти муҳим аҳамиятга эга, масалан, фольклоршуносликда яқка ижро этиладиган жанрлар (эртаклар, частушкалар), жамоавий жанрлар (ўйин ва меҳнат кўшиқлари), яқка ва хор ижрочилигини ўз ичига олган жанрлар (лирик кўшиқлар, балладалар), бунда айтувчининг роли ҳар бир жанрга қараб ўзгаради. Агар яқка жанрларни ижро этишда сўзловчи биргаликда ижод қилиб, матнни кўпайтиришда максимал эркинликка эга бўлади, бунда жамоавий ижро ундан энг аниқ (информатив эмас) перформатив ҳолатларда яратишни талаб этади [5].

Фольклор матнларида **адресат** социум аъзолари ҳисобланади. Адресатнинг ҳам дискурсив, жанр шартига кўра (жамоавий/яқка ижро) турли хусусиятларга эга. Адресатлар белгиланган жой, жанрга қараб, миқдор жиҳатдан фарқланиши мумкин. Масалан, лирик кўшиқларни ижро этишда тингловчининг вазифаси айтувчи бошдан кечирган ҳиссий ҳолатни бошдан

кечиришдир; топишмоқни тахмин қилиш пайтида эса тингловчи ҳам завқланиб, ҳам жавобни топишда ўз маданияти кодлаган билимларини синовдан ўтказди. Албатта, матн яратишда ёки уни кўпайтиришда айтувчи асосий эътиборни тингловчининг ёши, жинси ва ижтимоий хусусиятларига қаратади, бунда ардесат “бошқарувчи” позициясини эгаллайди. Фольклор дискурси жамоавий тафаккур ва жамоавий қадриятларни ўзида акс этади.

Дискурсни шакллантирувчи тушунчалар концептлар бўлиб, улар фольклор дискурси концептсферасини ташкил қилади. Фольклор дискурсининг асосий концептларидан севги, меҳнат, оила ва бошқалар базавий концептлар бўлиб, уларнинг таркибан чеклаган. Натурфактлар, денгиз, қирғоқ, уй қаби артефактлар нодискурсив концептлар бўлиб, ўзаро дискурс концептларига таъсир ўтказди. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, фольклор дискурси онгимизда тарихан шаклланган, доимий равишда янгиланиб турадиган ҳамда фольклор санъати деб номланган нутқий фаолият тури тушунилади. Фольклор дискурси фольклор матнлари тўпламидан иборат. У оғзаки ва ёзма шаклларга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Brunvand J.H., Brooke D.A., Vandergriff J. Being a Folklorist: Plenary Address to the Missouri Folklore Society. *Missouri Folklore Society Journal*. Columbia, Missouri: The Missouri Folklore Society.
2. Адоньева С.Б. Прагматика фольклора. СПб: Изд-во С.-Петербур. ун-та: «Амформа», 2004.- С. 56.
3. Никитина С.Е. Устная народная культура и языковое сознание. М., 1993.
4. Пелипенко А.А. Проблемы изучения культурного наследия в условиях глобализации, 2006.- С. 382–404.
5. Путилов Б.Н. Фольклор и народная культура. СПб., 1994.
6. Eshonqulova, S. (2020). Bayramxon va Nodirabegim she'riyatida Xizr raug'ambar obrazi talqinlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7321
7. Eshonqulova, S. (2020). An'anaviy obrazlar genezi (Nodira ijodi misolida). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7333
8. Eshonqulova, S. (2020). Fazilatleri olamlarga ibrat Ustozim!. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7334
9. Eshonqulova, S. (2020). Nodira ijodida Sulaymon obrazi tasviri. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7346
10. Rajabova M. B. EXPRESSION OF IMAGES RELATED TO NATIONAL TRADITIONS IN A. NAVOI'S WORK //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 141-146.
11. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of

Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.

12. Baqoevna R. M. Interpretation Of Navruz In Navoi's Work //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 16-23.

13. Rajabova M. B., Akhrorova Z. R. UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN ATTAR AND ALISHER NAVOI //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 219-223.

14. Ражабова М. Б. ГЁТЕ И ВОСТОК //Контактная информация Организационного комитета конференции. – С. 54.

15. Turopova, P. (2020). Intilganga tole yor. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5422

16. Turopova, P. (2020). Alisher Navoiy ijodida ona–ayol timsoli. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5423

17. Turopova, P. (2020). Buvinning o'gitlari. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5424

18. Turopova, P. (2020). Shoirlari bor el yashar. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5427

19. Turopova, P. (2020). Barkamol avlod tarbiyasida Alisher Navoiy asarlarining ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(43)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5426

20. Turopova, P. (2020). Shoirlari bor el yashar. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5427

21. Turopova, P. (2020). Ona Vatanga mehrim. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(44)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5428

22. Soatova, N. (2020). Sakkokiy g'azallarida Iso alayhissalom obrazi. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(45)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5354

23. Soatova, N. (2020). Badiiy adabiyotda ayol siymosi tasviri. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(46)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5361

24. Soatova, N. (2020). Edebi Etki ve Özgünlük. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(45)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5363

25. Soatova, N. (2020). Adib jasorati. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(46)*. извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5364

26. Soatova, N. (2020). Şöhret'in eserlerinde savaş konusunun betimlenmesi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5365
27. Soatova, N. (2020). Role of Shukrat in the development of uzbek literature of the XX century. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(45). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5368